

## **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибида жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада кўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолған электр энергияи учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга кўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчилиқда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

## **VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

6.2. «Истеъмолчи» «Корхона»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Корхона»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Шартнома 2022-йил 31-декабрьгача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равища юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равища амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.